



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021 -yil “26” январь \_\_\_\_\_ Қ-100 \_\_\_\_\_ -son

Qumqo‘rg‘on t.

**Туманда ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этиш, уларда маданият, санъат, спорт, ахборот коммуникацион технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 23 январдаги Қ-46-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон ёшлар форуми”да сўзлаган нутқи ва 2021 йил 19 январда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгиланган топшириқларнинг ижросини таъминлаш ҳамда ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, бунда уларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот коммуникацион технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон ёшлар форуми”да сўзлаган нутқи ҳамда 2021 йил 19 январда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги топшириқлари ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 23 январдаги Қ-46-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туманда 5 та ташаббус бўйича ёшларни маданият, санъат, спорт, ахборот коммуникацион технологиялари, китоб ўқишга кенг жалб қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича йўл харитаси (бундан кейин матнда “Йўл харита” деб юритилади) 1-иловага;

Йўл харита ижросини таъминловчи ва мувофиқлаштирувчи туман комиссияси таркиби 2-иловага;

Йўл харитани туманда ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича бириктирилган масъул раҳбарлар рўйхати 3-иловага;

2021 йилда туманда ёшларни 5 та мухим ташаббусга жалб этиш бўйича тавсиявий режа тақсимот 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та мухим ташаббусларни амалиётда қўллаш ва йўналишлар бўйича, қуйидагилар:

биринчи ташаббус-Маданият ва санъат йўналиши бўйича туман Маданият бўлими бошлиғи М.Абдуллаев;

иккинчи ташаббус - Спорт йўналиши бўйича туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи О.Курбонов;

учунчи ташаббус – туман телекоммуникация боғланмаси бошлиғи А.Дониёров;

тўртинчи ташаббус- Китобхонлик йўналиши бўйича Маънавият маърифат маркази туман бўлими раҳбари;

бешинчи ташаббус - Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш йўналиши бўйича туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи З.Хидировалар масъул этиб белгилансин.

4. Йўл харитасида белгиланган дастурлар ижросини мувофиқлаштирувчи туман комиссияси (Н.Алланазаров)га:

Йўл харитага киритилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, туман ҳокимлиги, нодавлат нотижорат ташкилотларининг чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш, чора-тадбирлар дастурининг жойларда ижро этилиши устидан тизимли назоратни амалга ошириш топширилсин.

5. Туман ҳокимлиги, туман маданият бўлими (М.Абдуллаев), халқ таълим бўлими (Н.Исматов), тумандаги касб-хунар мактаблари (Ф.Бурхониддинов, А.Сафаров), Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (А.Холтўраев), Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши (А.Каримов):

ёшларни маданият ва санъатга жалб этиш, соҳани жойларда янада ривожлантиришга қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш чораларини кўрсин;

унутилиб бораётган бой маданий меросимиз ва ўлмас санъатимиз турларига эътиборни қаратиш, бу борада ёшларнинг қизиқиш ва интилишларини пухта ўргансин;

худудларда ташаббускор истеъдодли ёшларни маданият марказларида бадий-ҳаваскорлик жамоаларини, “Ёшлар театр студиялари” ва “Ёшлар клублари”ни ташкил этсин;

ёшларни мусиқа, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқариш мақсадида турли ҳил танловлар ташкил этсин.

6. Туман ҳокимлиги, туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов) туман Ички ишлар бўлими (Ў.Шукуров), туман Қурилиш бўлими (Ф.Мустанов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши (А.Каримов):

бир ой муддатда ёшлар орасида салбий иллатларнинг олдини олиш борасида ҳарбий спорт ва ватанпарварлик тарбияси ролини оширишга қаратилган “Соғлом болалик” йиллик дастурини ишлаб чиқиб ижросини тўлиқ таъминласин. Бунда, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг “Соғлом миллат-соғлом келажак!” шиори асосида амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратсин;

ёшларни жисмоний чиниқтириш, спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилишлари учун йил давомида эстофета мусобақалар ўтказилишини таъминласин;

“Соғлом танда - соғлом ақл” шиори остида, туманнинг марказ ва чекка ҳудудларида мини футбол майдончалари ҳамда бошқа спорт турлари билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилсин;

ҳар чоракда барча ёшдаги фуқароларни қамраб олган ҳолда спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил қилиб рағбатлантириб бориш чорасини кўрсин; (чорак якунида туман комиссиясига ҳисобот берилади);

Жаҳон чемпиони ва Ўрта осий чемпионлигини қўлга киритган таниқли спортчилар билан спортчи ёшларни жалб этган ҳолда семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилишини таъминласин.

7. Туман ҳокимлиги, туман телекоммуникация боғланмаси бошлиғи А.Дониёров, туман Халқ таълими бўлими Н.Исматов, туман Молия бўлими (Ш.Поянов)лар билан биргаликда:

жорий II чорак якунига қадар информатика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш;

8. Туман ҳокимлиги, Ёшлари ишлари агентлиги туман бўлими (А.Холтўраев), туман Ахборот кутубхона маркази Х.Раҳмонқулов, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси билан биргаликда:

туманда кўчма китоб павильонларини жойлаштириш бўйича манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

китобхонлик савиясини ошириш ҳамда мутолаа маъданиятини юксалтириш мақсадида ёшлар орасида “Мен севиб ўқиган китоблар”, “Адабиётхон” кўрик танловлари ташкил этиш;

жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини яна бир янги-юқори босқичга кўтариш учун ижодкорлар учрашувлари, давра суҳбатлари ўтказиш;

“Ахборот-ресурс марказлари” ҳар ой ҳудудларда китобхонлик танловларини ўтказиб ёшларни қамраб олиш чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш;

ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли дастур ишлаб чиқсин.

9. Маҳалла ва оилани қўллаб-қуватлаш бўлими бошлиғи, туман ҳокимининг ўринбосари З.Хидирова:

бир ой муддатда хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш бўйича 2021 йилга мўлжалланган манзилли дастур ишлаб чиқиб, унинг ижросини тўлиқ таъминлаш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқсин ҳамда ижросини назоратга олиш;

аёллар маънавиятини, сиёсий-ижтимоий билимларини ошириш мақсадида маҳаллаларда семинар-тренинглар ташкил этиш чорасини кўрсин.

11. Туман Халқ таълими бўлими (Н.Исматов), Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (А.Холтўраев), туман телекоммуникация боғланмаси бошлиғи А.Дониёров, Маънавият-маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари Ш.Мамадиев 5 та ташаббус бўйича туман ёшларини маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича масъул этиб белгилансин.

12. “Қумқўрғон садоси” газетаси Р.Менгзияевага 5 та муҳум ташаббус доирасида жойларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳамда бу борада эришилган натижаларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Туман хокимиятининг  
2021 йил "26" январдаги  
Қ.100 –сонли қарорига  
1-илова

**Туманда 5 та ташаббус бўйича ёшларни маданият, санъат, спорт, ахборот-коммуникацион технологиялар, китоб ўқишга кенг жалб қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича ЙЎЛ ХАРИТАСИ**

№	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
<b>I. Биринчи ташаббус - ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш масалалари бўйича</b>				
1.	Тумандаги 8 та маданият марказлари ҳамда 84 та умумтаълим мактабларида маданият ва санъат йўналишида ташкил этилган тўғарақларга ёшлар камровини кўпайтириш мақсадида марказларни ва умумтаълим мактабларини мусиқа асбоблари ва амалий санъат дастгоҳлари билан таъминлаш.	2021 йил давомида	Туман хокимлиги, Маданият бўлими, Халқ таълими бўлими, Молия бўлими	<p>1. Маданият марказлари ва умумтаълим мактабларидаги мусиқа асбобларини хатловдан ўтказиш ва эҳтиёжни аниқлаш.</p> <p>2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 923-сонли қарорига мувофиқ маҳаллий хокимликлар билан ҳамкорликда марказлар ва умумтаълим мактабларини мусиқа асбоблари билан таъминлаш.</p> <p>3. Янги тўғарақлар ташкил этиш ва уларда ёшлар камровини кўпайтириш.</p>
2.	Маданият марказларини мутахассис кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг малакасини доимий ошириб бориш	2021 йил июль, август	Туман хокимлиги, Маданият бўлими	<p>1. Маданият ва санъат йўналишидаги мавжуд мутахассис кадрларнинг рўйхатини шакллантириш ва марказларда кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш.</p> <p>2. Эҳтиёждан келиб чиқиб, марказларни соҳа мутахассислари билан таъминлаш.</p>
3.	Тумандаги маданият марказларида кўрик-танловлар, фестиваллар ҳамда ижодий учрашувларни ташкил этиш орқали ёшларни маданият муассасаларига кенг жалб этиш	Режа асосида	Туман хокимлиги, Маданият бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими	<p>1. Маданият марказларида ўтказиладиган кўрик-танловлар, фестиваллар ҳамда ижодий учрашувларнинг режасини ишлаб чиқиш ва тақдирлаш.</p> <p>2. Мазкур кўрик-танлов ҳамда фестивалларни режа асосида юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.</p>

№	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
4.	Тумандаги болалар мусика ва санъат мактабларида кўшимча йўналишлар ташкил этиш орқали ёшларни жалб қилиш.	Янги ўқув йилида	Туман ҳокимлиги, Маданият бўлими, ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ташкил этиладиган йўналишларга қизиқувчи ёшлар рўйхатини шакллантириш.</li> <li>2. Мусика мактабда ташкил этиладиган йўналишларга малакали кадрларни топиш ва бириктириш.</li> </ol>
5.	Туманда марказий маданият марказида иқтисодли ёшлардан иборат ижодий жамоаларнинг ҳисобот концертларини ташкил этиш.	Доимий	Туман ҳокимлиги, туман маданият бўлими	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Алоҳида режа-жадвал ишлаб чиқиш.</li> <li>2. Ижодий жамоаларнинг концертларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳудудларда режа-жадвалга мувофиқ белгиланган муддатларда ижодий жамоаларнинг концерт дастурларини ташкил этиш.</li> </ol>
6.	Миллий мақом санъатини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, ушбу санъатга ёшларнинг қизиқишини ошириш мақсадида туман маданият марказларида туман намунали мақом ансамблининг “Назм ва наво” кечаларини ташкил этиш.	2021 йил давомида	Туман ҳокимлиги, Маданият бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тадбирни ўтказиш бўйича режа дастур ишлаб чиқиш тасдиқлаш.</li> <li>2. Тадбирни юқори савияда ҳар ойда бир мартаба ташкил этиш</li> </ol>
7.	Ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлган ўсмирларни вилоятдаги музейларга ташриф буюришини ташкил этиш.	Режа-жадвал асосида	Туман ҳокимлиги, Туман халқ таълими бўлими, туман маданият бўлими	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Таълим муассасаси ёки уларни гуруҳларга жамлаган ташкилот раҳбарияти ҳамда давлат музейи ҳамкорлигида режа-жадвал ишлаб чиқиш.</li> <li>2. Режа-жадвал асосида 18 ёшгача бўлган болаларни музейларга ташрифини уюштириш.</li> </ol>
8.	Тумандаги мавжуд маданият ва истироҳат боғларида ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эстрада вокал ансамбллари иштирокида ёшлар учун концерт дастурларини ташкил этиш.	Доимий	Туман ҳокимлиги, туман маданият бўлими	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Маданият ва истироҳат боғларида концерт дастурларини ташкил этиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</li> <li>2. Режага кўра тадбирларни ўтказиш ва ёшларни кенг жалб қилиш.</li> </ol>

№	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
9.	Таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Рақснинг сеҳрли жилоси” миллий рақслар жилоси кўрик-танловининг туман босқичини ўтказиш ва ғолибларни вилоят танловидаги иштирокини таъминлаш.	Ҳар йили бир марта	Туман ҳокимлиги, туман маданият бўлими, халқ таълими бўлими	1. Кўрик-танлов ўтказиш тўғрисида низоми ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Кўрик-танловни ташкил этиш. 3. ОАВлар орқали кенг ёритиш.
10.	Умумтаълим мактаблари, болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари ўртасида “Жонажон Ўзбекистонименинг нигоҳимда” мавзусида ёш рассомларнинг кўрик-танловини ташкил қилиш.	2021 йил март	Туман ҳокимлиги, туман халқ таълими, маданият бўлими	1. Кўрик-танлов ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. туман босқичини ўтказиш ва вилоят финали босқичига тайёргарлик кўриш.
11.	Туманда Ўзбекистон давлат филармонияси вилоят бўлини масининг концерт дастурини ташкил этиш.	Ҳар ойда бир марта	Туман ҳокимлиги, туман маданият бўлими,	1. Концертни юқори савияда ўтказиш юзасидан зарур ташкилий чораларни кўриш. 2. Концерт дастурига таълим муассасалари, маҳалла, ташкилотлардан ёшлар ва аҳолини кенг жалб этиш.
12.	Болалар мусика ва санъат мактабининг иқтидорли ўқувчиларини ёзги ижодий оромгоҳларга юбориш.	2021 йил давомида	Туман ҳокимлиги, туман маданият бўлими, Халқ таълими бўлими	1. Халқаро ва республика танловлари ғолиблари рўйхатини шакллантириш. 2. Ўқувчиларнинг хавфсизлик чораларини таъминлаган ҳолда ёзги ижодий оромгоҳларда иштирокини таъминлаш.
13.	1 июнь - “Халқаро болаларни химоя қилиш куни” муносабати билан махсус мактаб-интернатларни тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларни фарзандлари	2021 йил июнь	Туман ҳокимлиги, туман маданият бўлими, Халқ таълими бўлими	1. 1 июнь - “Халқаро болаларни химоя қилиш куни” байрами муносабати билан мактаб интернатларида маданий тадбирлар графигини ишлаб чиқиш.

№	Амалга оширилган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
14.	Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 76 йиллиги муносабати билан “Ҳотира ва ғалаба руҳи” туркум учрашувларни ташкил этиш.	2021 йил май	Туман халқ таълими, мудофаа ишлари бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими	<p>2. График асосида маданий тадбирларни ташкил этиш.</p> <p>1. Учрашувлар режа-жадвалини тасдиқлаш. 2. Учрашувларни юқори савияда ташкил этиш.</p>
<b>II. Иккинчи ташаббус - ёшларни жисмоний чиниктириш ва спорт соҳасида ўз қобилиятини намойён қилишлари учун зарур шароитлар яратиб бериш масалалари бўйича</b>				
15.	Тумандаги умумий ўрта таълим мактабларидаги жисмоний тарбия ўқитувчиларни малака ошириш курсларига жалб этиш.	2020 йил давомида	Туман халқ таълими бўлими	<p>1. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳолатини таҳлил қилиш. 2. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиларини малакасини ошириш бўйича ўқувлар режасини тузиш ва шу асосда ўқувларни ташкил этиш.</p>
16.	Спорт таълим муассасалари директорларига номзодларни халқаро спорт мусобақалари, Осиё ва Жаҳон чемпионати ҳамда биринчилиги ғолиб ва совриндорларидан тайинлаш тизимини жорий қилиш.	Доимий	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими	<p>1. Тумандаги нуфузли халқаро спорт мусобақаларининг ғолиб ва совриндорлари рўйхатини шакллантириш. 2. Шакллантирилган рўйхаг асосида спорт таълим муассасалари директорларига раҳбарлик лавозимларига захирасини шакллантириш.</p>
17.	Тумандаги барча таълим муассасаларинг спорт иншоотларини соат 18:00дан 21:00гача маҳалла аҳолиси, банд бўлмаган ёшларнинг шуғулланишлари учун шарт шароитлар яратиб бериш.	Доимий	Туман ҳокимлиги, туман халқ таълими, жисмоний тарбия ва спорт бўлими	Аҳоли ва бандлиги таъминланмаган ёшларни спорт залларида жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланиш жадвалини тасдиқлаш ҳамда амалда қўллаш.
18.	Спортнинг шахмат тури бўйича “Ёшлар шахмат тахтаси” XIII республика очик турнирини ўтказиш.	Январь-апрель	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, туман халқ таълими, жисмоний тарбия ва спорт бўлими	<p>1. Ҳамкор ташкилотлар томонидан мусобақа Қўшма қарори ва низомини тасдиқлаш. 2. Турнир илгчи гуруҳини шакллантириш. 3. Турнирни юқори савияда ташкил этиш, 4. Турнирнинг барча жараёнларини ОАВ орқали кенг ёритиш.</p>



№	Амалга оширилган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
19.	Маҳалла ёшлари ўртасида “Street workout” (Кўча спорти мусобақасини ташкил этиш ва ўтказиш )	Хар чорақда	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, жисмоний тарбия ва спорт бўлими, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими	<p>1. Ҳамкор ташкилотлар томонидан мусобақа Қўшма қарори ва низомини тасдиқлаш,</p> <p>2. Тасдиқланган қўшма қарор асосида мусобақани юқори савияда ташкил этиш,</p> <p>3. Мусобақа ғолибларини муносиб тақдирлаш,</p> <p>4. Мусобақанинг барча жараёнларини ОАВ орқали кенг ёритиш.</p>
20.	Муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар ходимлари ўртасида мунтазам равишда оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш орқали аҳоли ва ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш.	Доимий	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими,	<p>1. Муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар ходимлари ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақалари календарь режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тасдиқланган календарь режа асосида ўтказиладиган спорт тадбирларини юқори савияда ташкиллаштириш.</p> <p>3. Мусобақаларнинг натижалари бўйича ОАВ орқали кенг ёритиш.</p>
21.	Спорт турлари бўйича юқори натижаларга эришган спортчилар иштирокида спорт тадбирлари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари ўтказиш учун таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий ва бизнес тузилмаларнинг, спорт таълим муассасаларининг инфратузилмасидан фаол фойдаланиш.	Доимий	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	<p>1. Таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий ва бизнес тузилмаларнинг, спорт муассасаларини хагловдан ўтказиш.</p> <p>2. Спорт турлари бўйича юқори натижаларга эришган спортчилар иштирокида ушбу спорт иншоотларида спорт тадбирларини юқори савияда ўтказиш.</p>
22.	Аҳолининг турли қатламларини жисмоний тарбия ва спортга қамраб олишни кенгайтиришга мўлжалланган “Спорт-хаёт тарзи” спорт ва жисмоний тарбия-оммавий мавзули тадбирларнинг турлари хилма-хил	Белгиланган мuddатда	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	<p>1. Аҳолининг кўпгина қатламларини қамраб олувчи мавзуларда оммавий спорт тадбирларини ўтказиш.</p> <p>2. Ўтказилган спорт тадбирларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш.</p>

№	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
	бўлиши ва тез-тез ўтказилишини таъминлаш.			
23.	Аҳолининг турли қатламларини жалб этган ҳолда ўтказиладиган оммавий спорт тадбирларининг фаол иштирокчиларини моддий ва маънавий рағбатлантиришни таъминлаш.	Доимий	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Ташкиллаштириладиган спорт мусобақалари юқори савида ўтказилишини таъминлаш. 2. Мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларини муносиб тақдирлаш. 3. Мусобақаларнинг тақдирлаш маросимида спорт юлдузлари ва спорт фахрийларини тақлиф этиш.
24.	Кўп квартирали уйларда яшайдиган аҳолининг яқинида жойлашган ижтимоий мақсададаги объектларнинг (таълим, тиббиёт, спорт ва дам олиш муассасалари) жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан фойдаланишини таъминлаш.	Доимий	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Туман ҳудудидаги барча турдаги корхона ва ташкилотларнинг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини тўлиқ ҳаглолдан ўтказиш. 2. Бача корхона ва ташкилотлар учун жисмоний фаолликни кўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш.
25.	Ташкилотлар ва корхоналар ходимлари ҳамда аҳолининг кўпгина қатламлари учун кўшимча тўғарак ва секциялар ташкил этиш.	2020 йил март	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Таълим, спорт ва дам олиш муассасаларида спортнинг оммавий турлари бўйича спорт тўғараклари ва секцияларини ташкил этиш. 2. Малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда тиббиёт жисмоний тарбия-соғломлаштириш объектларида даволовчи жисмоний тарбияни ташкил этиш.
26.	Спорт объектларида замонавий ахборот технологияларини (турникетлар, видеокузатув, ҳисобот беришнинг ягона тизими) жорий этиш.	2020 йил	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Замонавий ахборот технологиялари билан таъминланмаган спорт объектларини ҳаглолдан ўтказиш. 2. Турникетлар, видеокузатув ва ҳисобот беришнинг ягона тизими воситалари билан таъминланмаган спорт объектларига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.
27.	Халқ таълими бошқармаси тизимидаги	2021 йил	Туман ҳокимлиги, туман халқ	1. Умумтаълим мактабларида кўшимча спорт

№	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
	<p>умумий ўрта таълим мактабларида 2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини “Жисмоний тарбия” фани доирасида 18 соатлик режа асосида шахматга ўқитиш йўлга қўйилаётган 5 та умумий ўрта таълим мактабларида зарур бўладиган спорт анжомлари билан таъминлаш</p>	<p>1-2 чоракда</p>	<p>таълими бўлими, Туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда</p>	<p>тўғарақлари ва секцияларини ташкил этиш. 2. Малакали жисмоний тарбия ўқитувчи мутахассисларни жалб этган ҳолда умумтаълим мактабларида шахматга қизиқувчи ёшларни тегишли тартибда шарт-шароитлар яратиш тизимини жорий этиш</p>
28.	<p>Маҳалла ёшлари ўртасида “Маҳалла кубоги” шахмат мусобақаларини ўтказиш</p>	<p>2021 йил июнь-август</p>	<p>Туман оила ва аҳолини қўллаб-қувватлаш бўлими, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими</p>	<p>1. Спорт мусобақасини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлаш.</p>
29.	<p>Маҳалла оилалари ўртасида “Шахматчи оила” турнирини ўтказиш.</p>	<p>2021 йил май-июль</p>	<p>Туман оила ва аҳолини қўллаб-қувватлаш бўлими, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими</p>	<p>1. Спорт мусобақасини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлаш.</p>
30.	<p>Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида спортнинг юриш, югуриш, мини футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, “Workout” (маҳалла, кўча фитнеси) майдончаларини ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил</p>	<p>Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда</p>	<p>1. Аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш билан бирга уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда тегишли шарт-шароитларини яратиш. 2. Мусобақаларни юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.</p>
31.	<p>“Янги нафас” спорт ва ижтимоий харақати доирасида “Save Agal” спорт марафонининг 3-босқичи аҳоли ва ёшлар ўртасида оммавий югуриш мусобақасини ташкил этиш ва ўтказиш.</p>	<p>2021 йил январь</p>	<p>Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда</p>	<p>1. Спорт мусобақасини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлаш.</p>
32.	<p>Болалар ва ўсмирларнинг футбол билан шуғулланишга қизиқишини ошириш, хаваскор футболни оммалаштириш, бу борада умумтаълим мактаблари, спорт-таълим муассасалари, маҳалла ва ташкилотларда футбол бўйича</p>	<p>2021 йил давомида</p>	<p>Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда</p>	<p>1. Спорт турнирини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлаш.</p>

№	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
33.	Аҳоли ва ёшлар ўртасида оммавий спорт турларини тарғиб қилиш мақсадида “Спортни сев, спорт билан яша!” шiori остида спортнинг 7 та тури (баскетбол, мини-футбол, шахмаг-шашка, волейбол, стол тенниси, бадминтон) бўйича мусобақалар ўтказиш	2021 йил йил давомида	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Спорт мусобақасини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
34.	Спортнинг бадий гимнастика тури бўйича туман очик турнирини ўтказиш.	2020 йил декабрь	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Спорт мусобақасини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
35.	Спортнинг стол тенниси тури бўйича туман очик турнири мусобақаларини ўтказиш.	2020 йил апрель-декабрь	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Спорт мусобақасини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
36.	Универсал жанг спорт тури бўйича ёшлар ва қизлар ўртасида туман очик чемпионатини ўтказиш.	2020 йил апрель	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Спорт мусобақасини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
37.	Эркин ва юнон рум кураш спорт тури бўйича туман очик турнирлари ва мусобақаларини ўтказиш.	2020 йил октябрь-ноябрь	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Мусобақасини байрамона ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
38.	Спортнинг футбол тури бўйича Ўсмирлар ўртасида туман чемпионатини ўтказиш.	2020 йил июнь	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Спорт мусобақасини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
39.	Волейбол бўйича туман чемпионати тур бахслари (эркаклар ва аёллар)	2020 йил март-май	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот	1. Мусобақасини байрамона ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.

№	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар ва идоралар билан ҳамкорликда	Амалга ошириш механизми
40.	Енгил атлетика бўйича ўсмирлар ва ўсмир қизлар ўртасида туман чемпионатини ўтказиш.	2020 йил май-октябрь	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	таъминлаш. 1. Спорт мусобақасини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобакани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
41.	Спортнинг стол тенниси тури бўйича ўсмирлар ва ўсмир қизлар ўртасида туман чемпионатини ўтказиш.	2020 йил март-октябрь	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Спорт мусобақасини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
42.	Кураш бўйича туман турнирини ўтказиш.	2020 йил апрель-сентябрь	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Мусобақани байрамона ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
43.	Дзюдо бўйича ўсмирлар ва ўсмир қизлар ўртасида туман чемпионатини ўтказиш.	2020 йил октябрь	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Спорт мусобақасини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
44.	Карате спорт тури бўйича туман турнирни ўтказиш.	2020 йил март	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Мусобақани байрамона ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
45.	Таэквон-до ИТФ бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида туман чемпионати (8-6-2 гилдан 3-дангача) мусобақаларини ўтказиш.	2020 йил сентябрь-декабр	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
46.	Комбат айкидо бўйича ўсмирлар ва ўсмир қизлар ўртасида туман чемпионатини ўтказиш.	2020 йил октябрь	Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	1. Спорт мусобақасини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
47.	Кикбоксинг спорт тури бўйича катталар	2020 йил	Туман ҳокимлиги, туман	1. Мусобақасини байрамона ўтказиш бўйича

№	Амалга оширилган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
48.	Ўртасида туман Кубоги мусобақани ўтказиш. Спортнинг бокс тури бўйича ёшлар ўртасида туман чемпионатини ўтказиш.	ноябрь 2020 йил декабрь	жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда Туман хокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда	Амалга ошириш механизми чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш. 1. Спорт мусобақасини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Мусобақани юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.
<b>III. Учинчи ташаббус - аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалалари бўйича</b>				
49.	Тумандаги 84 та умумтаълим мактабларини юқори тезликдаги интернет тармоқларига уланишини таъминлаш.	2021 йил	Туман халқ таълими, туман телекоммуникация боғланмаси	1. Умумтаълим мактабларини интернет тармоғига улаш ишларини амалга ошириш.
50.	Тумандаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Дастурлаш соати” фестивалини ташкил этиш.	Режа-жадвал асосида	Туман хокимлиги, туман халқ таълими бўлими, туман телекоммуникация боғланмаси	1. Фестивални ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш. 2. Фестивални юқори савияда ташкил этиш.
51.	“Бир миллион ўзбек дасдурчиси” лойиҳасига тумандаги 500 ортиқ ёшларни жалб қилиш.	Режа-жадвал асосида	Туман хокимлиги, туман халқ таълими бўлими, туман телекоммуникация боғланмаси	1. Умумтаълим мактаблари ва уюлмаган ёшларни жалб қилиш бўйича режа жадвал ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳани юқори савияда ташкил этиш.
52.	Рақамли технологиялар ўқув марказларида замонавий ўқув курсларини ташкил этиш.	2021 йил январ ойидан бошлаб, доимий	Туман хокимлиги, туман халқ таълими бўлими, туман телекоммуникация боғланмаси	1. Марказлар учун ўқитувчи-мураббийларни тайёрлаш ва ўқув дастурларни ишлаб чиқиш. 2. Марказга тингловчиларни танлаб олиш ва ўқитишни ташкил қилиш.
53.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4851–сон қарори ижросини таъминлаш.	2021 йил III чорак	Туман хокимлиги, туман халқ таълими бўлими, туман телекоммуникация боғланмаси	1. Танлаб олинган мактабларни замонавий дизайнлар асосида таъмирлаш ва жиҳозлаш. 2. Мактабга фаолиятни йўлга қўйиш ва иктидорли ёшларни жалб қилиш.

№	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
54.	Умумтаълим мактабларни ахборот-коммуникация соҳасидаги ўқув-қўлланмалари билан таъминлаш.	2021 йил март	Туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, туман телекоммуникация боғланмаси	1. Мактаб кутубхоналаридаги АКТ бўйича ўқув қўлланмалари ва материалларни хагловдан ўтказиш. 2. Хаглов натижаларига кўра зарур китоблар ва ўқув материаллари рўйхатини шакллантириш. 3. Рўхтага кўра китоблар ва ўқув қўлланмаларни харид қилиш. 4. Мактаб кутубхоналарини янги дарсликлар билан бойитиб бориш.
55.	Умумтаълим мактабларда локал тармоқни ташкил этиш	2021 йил май	Туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, туман телекоммуникация боғланмаси	1. Мактаб локал ҳисоблаш тармоқларини хагловдан ўтказиш. 2. Хаглов натижаларига кўра зарур жиҳоз ва техник воситаларни рўйхагини шакллантириш. 3. Рўхтага кўра жиҳоз ва техник воситаларни харид қилиш. 4. Мактабларда ўрнатиш созлаш ишларини ташкиллаштириш.
<b>IV. Тўртинчи ташаббус - аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиягини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш масалалари бўйича</b>				
56.	“Маҳалла кутубхонаси” лойиҳасини ташкил этиш. Лойиҳа доирасида маҳалла фуқаролар йигинлари биноларида 350-400 дона бадий китоблардан иборат кичик кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйиш.	2021 йил давомида	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими, туман телекоммуникация боғланмаси, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими	1. Чора-тадбирлар режаси ва маҳаллаларда намунавий кутубхоналарни ташкил этиш бўйича концепция ишлаб чиқиш. 2. Кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ва китоблар билан таъминлаш.
57.	Туманда миллий китоб ва босма маҳсулотларни сотиш бўйича кўчма китоб дўконлари ва павильонларини жойлаштириш мақсадида марказий кўчалар, истироҳат боғлари, бекатларда, шунингдек,	2021 йил январдан бошлаб	Туман ҳокимлиги	1. Ер майдонлари ажратиш юзасидан маҳаллий ҳокимликларнинг қарорлари қабул қилиш. 2. Кўчма китоб дўконлари ташкил этиш.

№	Амалга оширилган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
58.	<p>бошка бўш турган ер майдонларини ажратиш.</p> <p>Аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш йўли билан вилоятда “Қадрдон мактабимга китоб совға қиламан” акциясини давом эттириш, мактаблар кутубхоналари фонддини кўшимча 100 000 дона китоб билан бойитиш чораларини кўриш.</p>	<p>2021 йил январь ойдан бошлаб мунтазам</p>	<p>Туман ҳокимлиги, тумандаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари</p>	<p>1. Тумандаги мавжуд таниқли шахслар, масъул раҳбарлар, тadbиркорлар, давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари рўйхати шакллантирилиб, ўзи ўқиган ёки фарзанди ўқийдиган таълим муассасига энг камида 10 донадан китоб совға қилишини ташкил этиш.</p> <p>2. Мазкур ташаббусни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш.</p>
59.	<p>Туман ахборот кутубхона марказлари китоб фондидаги маънан эскирган ва яроқсиз ҳолга келиб қолган китобларни ҳисобдан чиқариб, ўрнини янги адабиётлар билан тўлдириш.</p>	<p>2021 йил II-III-чорак</p>	<p>Туман ҳокимлиги, туман Ахборот кутубхона маркази</p>	<p>1. Туман кутубхонасини ўрганиш юзасидан ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Ахборот кутубхона марказлари умумий китоб фонддини ўрганиш.</p> <p>3. Маънан эскирган ва яроқсиз ҳолга келган китобларни ҳисобдан чиқариш.</p> <p>4. Марказлар фонддини янги адабиётлар билан бойитиш</p>
60.	<p>Ўқувчиларда бой миллий меросимиз ва мумтоз адабиётга меҳр уйғотиш мақсадида “Ғазалхонлик кечалари”ни ташкил этиш. (7-9 синф ўқувчилари ўртасида)</p>	<p>2021 йил февраль ойида</p>	<p>Туман халқ таълими бўлими, маънавият ва маърифат маркази бўлими, туман АКМ, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими</p>	<p>1. Тадбир низомини ишлаб чиқиш</p> <p>2. Ёдланадиган ғазаллар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Ғолибларни рағбатлантириш.</p>
61.	<p>Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган “Ёш китобхон ўқувчи” танловини ташкил этиш ва ўтказиш орқали 100 мингга яқин ёшларни камраб олиш.</p>	<p>2021 йил январь-апрель</p>	<p>Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, халқ таълим бўлими</p>	<p>1. Танлов тарғиботини ташкил этиш.</p> <p>2. Танловнинг барча босқичларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>3. Танлов ғолибларини муносиб тақдирлаш.</p> <p>4. Танловнинг барча жараёнларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш.</p>
62.	<p>Чекка ҳудудларда эътибордан четда қолаётган, ижод қилаётган истеъдодли</p>	<p>Йил давомида</p>	<p>Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими</p>	<p>1. Ижодкор ёшлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Ижодий ишларни нашрдан чиқариш.</p>



№	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
63.	“Унутмас мени юртим” шиори остида таълим муассасалари ва маҳаллаларда Сурхон заминда туғилиб вояга етган атоқли ижодкорларнинг ижодий кечаларини ўтказиш.	2021 йил давомида	Туман ҳокимлиги, туман Халқ таълими бўлими	1. Ижодий кечаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Режа асосида ижодий кечалар ташкил этиш.
64.	Мактаб ёшидаги ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида “Эртакчи болажон” танловини ташкил этиш. (1-5 синф ўқувчилари ўртасида)	2021 йил 2-чорак	Туман ҳокимлиги, туман Халқ таълими бўлими, туман АКМ	1. Танлов низомини ишлаб чиқиш 2. Мактаб, туман, вилоят bosқичини ташкил этиш. 3. Ғолиб ўқувчиларни рағбатлантириш.
65.	“Китобга қайтиб” шиори остида тарбияси оғир, жиноятга мойил бўлган ва ноёп оилавий муҳитда яшаётган ёшлар ўртасида китобхонлик тарғиботи ва уларга бадий асарлар тақдим этиш.	2021 йил апрель-сентябрь	Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими, туман ички ишлар бўлими	1. “Ижодкор кутубхонасидан” акцияси мазмун-моҳиятини ижодкорлар орасида тарғиб қилиш. 2. Акция давомида тўплаган китобларни туандаги кутубхоналарга рўйхат асосида етказиб бериш. 3. Ушбу тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиш.
66.	“Менинг илк шеърим” ёки “Абдулла Қодирийга ҳавас қилиб” мавзуларида ҳикоя ва иншолар танловларини ўтказиш (5-6 синф ўқувчилари ўртасида)	2021 йил апрель-май ойида	Туман халқ таълими бўлими, маънавият ва маърифат маркази бўлими, туман АКМ, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими	1. Танлов низомини ишлаб чиқиш 2. Мактаб, туман, вилоят bosқичини ташкил этиш. 3. Ғолиб ўқувчиларни рағбатлантириш.
67.	Тумандаги 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг 30 фойзани китобхонликка жалб этиш юзасидан манзилли рўйхатларни шакллантириш.	2021 йил давомида	Туман ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими	1. Тумандаги 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларни китобхонликка жалб этиш юзасидан манзилли рўйхатларни шакллантириш. 2. Ушбу ёшларни мунтазам китобхонликка жалб этиш чораларини кўриш.
68.	Туманда янги оила кураётган ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш	2021 йил давомида	Туман ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги	1. Ҳар ойда никоҳдан ўтиш учун ариза берган ёш оилалар рўйхатини шакллантириш.

№	Амалга оширилган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
69.	максадада “Энг муносиб туҳфа” сифатида уларга бадий китоблар жамланмасини таъдир этни анъанасини жорий қилиш.	2021 йил июнь-июль ойида	туман бўлими, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими  Туман ҳокимлиги, туман маданият бўлими	2. Никоҳ маросимида уларга бадий китоблар совға қилиш. 3. Тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.  1. Адабиёт ва санъат ҳафталигини ўтказиш чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Режа асосида ҳафталикни юқори савияда ташкил этиш.
70.	“Сурхондарёнинг тарихий жойлари” шиори остида тумандаги умумтаълим мактаблар, коллеж ва лицейларда таълим олаётган ўқувчиларнинг тарихий ёдгорликларга экскурсияларини ташкил қилиш ва сафар таассуротлари асосида иншолар танловини ўтказиш ҳамда ушбу тадбирларга 200 000 нафардан ортққ ёшларни қамраб олиш.	2021 йил давомида	Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими	1. Экскурсияларни ўтказиш манзиллари ва мuddатлари ҳамда режа-жадвалини ишлаб чиқиш. 2. Режа-жадвал асосида экскурсиялар ўтказиш, иншолар танловларини ташкил қилиш. 3. Иншолар танловлари ғолибларини тақдирлаш.
71.	Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш, китоб нархларини арзонлаштириш учун тажриба тариқасида “Китоб сайёраси” кўчма китоб дўкони лойиҳасини ташкил этиш.	2021 йил давомида	Туман ҳокимлиги	1. Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлигига киритиш. 2. “Китоб сайёраси” кўчма китоб дўкони лойиҳасини амалга ошириш.
<b>V. Бешинчи ташаббус - хотин-қизларни иш билан таъминлаш ишларини тизимли ташкил этиш масалалари бўйича</b>				
72.	Тумандаги аёлларнинг бандлиги таъминлаш, жумладан, вақант бўш иш ўринларига, жамоат ишларига, касбга ўқитиш, қолган қисмини субсидия олиб шахсий томорқасида банд қилиш, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш, қишлоқ	2021 йил давомида	Туман ҳокимлиги, туман Бандликка қўмаклашиш маркази, туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, туман “Хунарманд” уюшмалари туман бўлими,	1. Ишсиз хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш. 2. Шаклланган рўйхат асосида қизиқишларига қараб уларни тоифаларга ажратиш. 3. Рўйхат асосида мавжуд бўш иш ўринларига, жамоат ишларига, субсидия олиб

№	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
73.	“Аёллар дафтари”га киритилган аёлларни қизиқишлари бўйича ўқитиш ва сертификатлар бериб, тадбиркорлигини бошлаш мақсадида Халқ банки орқали имтиёзли кредит ажратиш бандлигини таъминлаш.	2021 йил давомида	Туман ҳокимлиги, туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, тумандаги тижорат банклари, туман Бандликка қўлақлашиш маркази, туман Савдо-саноат палатаси туман бўлими, “Хунарманд” уюшмалари туман бўлими	<p>ишхенй томорқасида банд қилиш, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш, қишлоқ хўжалиги кооперативларига жалб этиш.</p> <p>1. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг рўйхатларини шакллантириш.</p> <p>2. Ўқув-семинарлар ўтказиш бўйича режа тасдиқлаш.</p> <p>3. Режага асосан ўқитиш, сертификат ажратилган аёлларга кредит ажратиш</p>
74.	Худудларда “Устоз-шогирд” тизими асосида хотин-қизларни хунармандчиликка жалб этилиши орқали, уларнинг бандлигини таъминлаш.	2021 йил давомида	Туман ҳокимлиги, туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, “Хунарманд” уюшмалари туман бўлими	<p>1. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг рўйхатларини шакллантириш.</p> <p>2. Ўқув-семинарлар ўтказиш бўйича режа тасдиқлаш.</p> <p>3. Режага асосан ўқитиш, сертификат ажратилган аёлларга кредит ажратиш</p>
75.	Аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва томорқа маданиятини юксалтириш, бунда хотин-қизларни шахсий томорқадан оқилona фойдаланишга ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш.	Йил давомида	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, туман бандликка қўлақлашиш маркази	<p>1. Маҳаллаларда кичик иссиқхоналар ташкил этиш орқали хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш.</p> <p>2. Шахсий томорқасидан фойдаланаётган хотин-қизларнинг расмий бандлигини таъминлаш ва меҳнат дафтарчалари юритилишини йўлга қўйиш.</p>
76.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги 402-сонли қарорига асосан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлиmlари томонидан жорий йилда туманимиздаги Хотин-қизларига Олий таълим муассасаларига	2021 йил май-август	Туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими	<p>1. Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги танловда иштирок этиши учун тавсияномалар бериш учун хотин-қизларнинг рўйхатларини шакллантириш.</p> <p>2. Шаклланган рўйхат мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, ўрганиш ва</p>

№	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми
77.	<p>Қўшмада давлат қўрағи асосдаги ташлода иштирокчиларнинг ўзини ўзини тавсияномалар бериш аёлларни қизиқишлари бўйича ўқитиш ва сертификатлар бериб, тадбиркорлигини бошлаш мақсадида Халқ банки орқали имтиёзли кредит ажратиб бандлигини таъминлаш.</p>	2021 йил давомида	<p>Туман ҳокимлиги, туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, туман Халқ банки, туман Бандликка қўмаклашиш маркази, туман Савдо-саноат палатаси туман бўлими, “Хунарманд” уюшмалари туман бўлими</p>	<p>1. Тадбиркорлик билан шугулланиш истаганда бўлган хотин-қизларнинг рўйхатларини шакллантириш.</p> <p>2. Ўқув-семинарлар ўтказиш бўйича режа тасдиқлаш.</p> <p>3. Режага асосан ўқитиш, сертификат берилган аёлларга кредит ажратиш</p>
78.	<p>Худудларда “Устоз-шогирд” тизими асосида хотин - қизларнинг хунармандчиликка жалб этилиши орқали, уларнинг бандлигини таъминлаш.</p>	2021 йил давомида	<p>Туман ҳокимлиги, туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, “Хунарманд” уюшмаси туман бўлими</p>	<p>1. Тадбиркорлик билан шугулланиш истаганда бўлган хотин-қизларнинг рўйхатларини шакллантириш.</p> <p>2. Ўқув-семинарлар ўтказиш бўйича режа тасдиқлаш.</p> <p>3. Режага асосан ўқитиш, сертификат берилган аёлларга кредит ажратиш</p>



Туман ҳокимининг  
2021 йил "26" январдаги  
№ 100 -сонли қарорига  
2-илова

**Туманда 5 та ташаббус бўйича ёшларни маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга кенг жалб қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича йўл харитаси ижросини таъминловчи ва мувофиқлаштирувчи туман комиссияси**

### ТАРКИБИ

- Н.Алланазаров - туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, **туман комиссияси раиси**
- З.Хидирова - туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, туман ҳокимининг ўринбосари - **туман комиссияси раиси**
- А.Холтўраев - Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи - **туман комиссияси раисининг ўринбосари**
- З.Эшқобилов - туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағаликни қисқартириш бўлими бошлиғи ўринбосари
- Ш.Поянов - туман Молия бўлими бошлиғи
- Лавозмига кўра
- Н.Исматов - туман Халқ таълими бўлими бошлиғи
- О.Қурбонов - Туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи
- М.Абдуллаев - Туман Маданият бўлими бошлиғи
- А.Дониёров - Туман телекоммуникация боғланмаси
- У.Мусаев - Туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи в.б
- А.Каримов - Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши раиси
- Ф.Мустанов - Туман Қурилиш бўлими бошлиғи
- Х.Йўлдошев - туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи
- С.Рахмонқулов - Савдо-саноат палатаси туман бўлими бошлиғи
- Ю.Холмўминов - Туман "Электр тармоқлари" АЖ
- Ш.Мамадиев - Республика маънавият ва маърифат маркази туман бўлими раҳбари
- И.Хурсанов - туман "Сувоқава" ДУК
- Қ.Бойсариев - Ўзбекистон мусулмонлари идораси туман вакили (*келишув асосида*)
- Б.Менглибоев - "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бошқаруви раиси
- Р.Менгзияева - "Қумқўрғон садоси" газетаси бош муҳаррири

Туман ҳокимининг  
2021 йил 23 январдаги  
Қ-46-сонли қарори билан  
таъдиқланган



Туман ҳокимининг  
2021 йил “26” январдаги  
Қ-100-сонли қарорига  
3-илова

**Туманда 5 та муҳим ташаббус бўйича ёшларни маданият, санъат, спорт,  
ахборот технологиялари, китоб ўқишга кенг жалб қилиш, уларнинг бўш  
вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича йўл харитасини  
туманда ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича  
бириктирилган масъул раҳбар  
РЎЙХАТИ**

<b>№</b>	<b>Ф.И.О</b>	<b>Лавозими</b>	<b>Бириктирилган худуд номи</b>
1.	С.Саломов	- Коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи	Қумқўрғон тумани

*Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига  
ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки сайланган шахслар киритилади.*

Туман ҳокимининг  
2021 йил 23 январдаги  
Қ-46-сонли қарори билан  
тасдиқланган



Туман ҳокимининг  
2021 йил “26” январдаги  
Қ-100 –сонли қарорига  
4-илова

**2021 йилда Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги ёшларни  
5 та муҳим ташаббусга жалб этиш бўйича тавсиявий режа тақсимот**

**Ж А Д В А Л И**

Т/р	Туман (шаҳар) номи	Жами ёшлар (7-30 ёш)	Режа тақсимот				Жами қамраб олинади	%да
			I-ташаббус: Ёшларни мусика, расомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига жалб этиш	II-ташаббус: Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш	III-ташаббус: Ёшларни ахборот коммуникацион технологияларга жалб этиш	VI-ташаббус: Ёшлар маънавия-тини юксалтириш ва уларни китобхон-ликка жалб этиш		
15	Шўрчи т	<b>81640</b>	16328	24492	16328	24492	<b>81640</b>	<b>100%</b>
	<b>Жами</b>	<b>81640</b>	16328	24492	16328	24492	<b>81640</b>	<b>100%</b>